

**«Askiya dehqon bozori» АЖ**  
**акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш**  
**Б А Ё Н Идан кўчирма**

2022 йил 30 март

Тошкент шаҳри

Соат 11-00

**Ўтказилган жойи:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй.

Акциядорларнинг 2021 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносига 2022 йил 30 март кунини ўтказилди. Йиғилишда 625910 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами акциядорларнинг 96,29 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 96,02 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

*Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:*

Каримов Ғ.Р. – Жамият кузатув кенгаши аъзоси, йиғилиш раиси.

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари,

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиғи “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.

Юнусалиев О. – «Аския деҳқон бозори» АЖ директори в.б.,

*Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:*

Бойматова Гузал.

*Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:*

Ибрагимова Гулчехра, Мақсудходжаева Малика, Суюндикова Севара Асатилло кизи.

Йиғилишга «Аския деҳқон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Каримов Ғофиржон Рузикулович раислик қилди.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамият директорини сайлаш.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.



11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хакнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

13. Жамият Устав капиталини камайтириш.

14. Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган битимни маъқуллаш.

15. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Аския деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 625910 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “IQTIDOR AUDIT INFORM” аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2022 йил 25 февралдаги ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (Ёқлаган 625910 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 625910 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 625910 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

5.1. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин. Жамиятда 2011 йилда бўлган текширув натижасида жамият ҳисоб рақамига йирик миқдорда солиқ тўловлари ва молиявий жарималар натижасида қўйилган К-2 хозиргача турганлиги, жумладан, бугунги кун 2022 йил 30 март ҳолатига жамиятнинг солиқдан 2.885.731 минг сўм, электр энергиясидан 163.963 минг сўм, Яккасарой Махсустрондан 4.938 минг сўм, жами бўлиб, 3.054.632 минг сўм қарздорлик бўлганлиги сабабли жамият томонидан акциядорларга дивиденд тўлаш имкони мавжуд эмаслигини инobatга олиниб, 2021 йилда олинган 174 980.47 минг соф фойданинг 10% қисми яъни, 17498.05 минг сўми жамиятнинг заҳира жамғармасига ажратилсин ва қолган 90% қисми, яъни 157482.42 минг сўм жамиятнинг тўлов қобилиятини тиклашга йўналтирилсин (ёқлаган 625910 -100 %, қарши - 0-0%, бетараф 0-0%);

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (Ёқлаган 625910 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

7. Жамият директорлигига номзод сифатида кўрсатилган Юнусалиев Одил Ахматжоновични жамият директори этиб сайланишига етарли рози овоз бўлмаганлиги сабабли масала тасдиқланмади (Ёқлаган 410 – 0.066 %, Қарши 625500 – 99.934 %, Бетараф 0 – 0 %).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1. Ирматов Мурод Абдукаҳхарович

625910 та овоз

8.2. Ганиев Дилмурод Иркинович

625910 та овоз



- 8.3. Разаков Ахад Анварович 625910 та овоз
- 8.4. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 0 та овоз
- 8.5. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич 625910 та овоз
- 8.6. Алимов Иномжон Саиткулович 625910 та овоз
- 8.7. Каримов Сардор Юлдашбаевич 625910 та овоз
- 8.8. Каримов Гофиржон Рузикулович 625910 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Норхужаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли, Тўйчиев Фаррух Юсупжанович ва Абдурахмонова Ирода Фуркатовна сайлансин. (Ёқлаган 625910 та овоз – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 625910 та овоз – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “GREAT FOURS” МЧЖ’аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 15.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 625910 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (Ёқлаган 625910 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг “Бошлиқ” шаҳобчасини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улуши (ҳокимият улуши)ни камайтириш юзасидан Молия вазирлигига юборилган мурожаатларгага олинган жавоб хатлари, шу масаладаги бошқа жамиятлардаги ҳолат инobatта олинган ҳолда тайёрланган ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, жамиятдаги давлат улуши ушбу шаҳобчанинг баланс қиймати суммасига, яъни 32701000 сўмга камайтирилсин.

Бунда жамиятнинг амалдаги ҳар бир акциясининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 650000 дона акциядан иборат 650000000 сўмлик устав фонди 32701 дона акцияларга ёки 32701000 сўмга камайтирилиб, янги устав фонд 617299 дона акциядан ёки 617299000 сўмдан иборат қилиб тасдиқланиши таклифи тасдиқлансин.

Бу ҳолатда жамиятнинг устав фонди фақат ҳокимиятга тегишли ҳар бирининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 32701 дона акцияларга ёки 32701000 сўмга камайтиради. (ёқлаган 625910 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

14. Жамиятнинг аффилланган шахси, яъни Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК билан тузиладиган битим маъқуллансин (ёқлаган 410 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

15. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда ўзгартиришлар матни тасдиқлансин (ёқлаган 625910 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин. (ёқлаган 625910 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: «08» апрел 2022 йил.

Йиғилиш раиси

Каримов Ф.Р.

Котиба

Бойматова Г.

2022 йил 30 март куни утказилган жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йигилишида Жамият кузатув кенгашига сайланган шахснинг маълумотлари

Ф.И.О	Серия	Берилган вақти	Ким томонидан берилган	Қачон берилган
Разаков Аҳад Анварович	АА	0328230	Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБ	23.02.1986

2022 йил 30 март куни утказилган жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йигилишида Жамият тафтиш комиссиясига сайланган шахснинг маълумотлари

Ф.И.О	Серия	Берилган вақти	Ким томонидан берилган	Қачон берилган
Абдурахмонова Ирода Фуркатовна	АС	2295338	Тошкент шаҳар Сергели тум.ИИБ	13.10.2019